# ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМЛАРИДА РЕЖИССЁРЛИК МАҲОРАТ

**Тилепов Қуатбай Нукусбаевич**
Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти
2 курс магистранти
kolya_2292@mail.ru

## АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада қорақалпоқ кино санъати тарихи ва кинематография соҳасида ўз ижодига эга бўлган кинорежиссёр Төренияз Қалимбетовнинг кинодаги ижод йўли ва режиссёр томонидан тасвирга олинган бадиий ва ҳужжатли фильмлар ҳақида сўз юритилади. Ҳозирги ва кейинги даврларда суратга олинган кино маҳсулотлари кенг таҳлил қилинди ва кўрсатиб берилди.

**Калит сўзлар:** кино, режиссура, бадиийлик, характер, ҳусусият,роль.

## ABSTRACT

This article talks about the history of Karakalpak film art and the creative path of film director Toreniyaz Kalimbetov, who has his own creativity in the field of cinematography, and the feature and documentary films shot by the director. Film productions filmed in the current and subsequent periods were widely analyzed and shown.

**Key words:** cinema, directorship, artistry, character, personality, role.

Кино инсон билимини орттиришда муҳим роль ўйнайди, унинг бой мазмуни эса аҳолининг билимдонлик даражасига бевосита таъсир қилади.

Мустақиллик йилларида Республикамизда кино саьнатига берилаётган эътибор, амалга оширилаётганислоҳотлар Қорақалпоқ киносини ҳам четлаб утаётгани йуқ. Бугунги кун киноси олдингидан да ривож топиб, янгиланиб, ўзига хос қиёфа касб этмокда. Бугун экранларимизда “Қорақалпокфильм” киностудияси томонидан суратга олинган қатор бадиий фильмларимизни кўришимиз мумкин.

Кино саноати кўп асрлик тарихга эга. 1975 йили Нукусда ҳужжатли фильмларнинг республика фестивали ўтказилиши ва ушбу кинофорумда қорақалпоқ киночиларининг **“Абдуллаев чўққиси”** (режиссёр-оператор Н.Даўқараев ), фильмнинг **“Энг яхши ҳужжатли фильм”** дипломига сазовор бўлиши билан алоҳида эсда қолди.

Киностудиянинг Қорақалпоғистон филиали ходимлари республиканинг бошқа бир қатор санъат ходимлари билан бирга фақат мамлакат миқёсидагина эмас, чет давлатларда ҳам сафарда бўлиб, республиканинг маданий ҳаётига оид фильмлар яратди. Режиссёр-оператор Н.Даўқараевнинг **“Югославиядаги учрашувлар”** ҳужжатли фильми фикримизга асос бўла олади.

Қорақалпоқ миллий киноси бошқа республика киноижодкорлари ўртасида муносиб жой олиб Бошқурдстондаги (1977 йил), Татарстондаги (1981), Доғистондаги (1984 йилги) Қорақалпоғистоннинг маданият кўнларига ўз фильмлари билан қатнашди ва мазкур фильмлар билан республикаларнинг “Фаҳрий ёрлиғи” ва қиммат баҳо совғаларини қўлга киритди.

1981 йилга келиб киностудиянинг Қорақалпоғистон филиали ўзининг янги биносига эга бўлди ва моддий техник базаси мустаҳкамланди. Шу тариқа ҳужжатли фильмлар ва дубляж сони ошди. Шу билан бирга буюртма асосида фильмлар олина бошлади.

Туқсонинчи йилларга келиб, қорақалпоқ ёзувчи ва журналистларнинг янги гуруҳлари ўзларини кино жанрида синаб кўра бошлади. Улардан Оразбай Абдурахманов, Алпысбай Султанов, Марат Таўмуратов, Пердебай Кайпов, Амангелди Халмуратов, Сағындық Ембергенов, Мамбет Садуллаев ва бошқалар бир нечта ҳужжатли фильмлар ёратди ва киножурналларга сценарийлар ёзди.

Маҳаллий кадрлардан режиссёрлар етишиб чиқди. Пердебай Кайыпов, Төренияз Қалимбетов ва Таласбай Абдиреймовларнинг режиссёрлик ишлари экранда пайдо бўла бошлади.

Қорақалпоғистон филиалининг бир қатор бадиий ва ҳужжатли фильмлари МДҲ ва чет давлатларда диққатга сазовор бўлди. Жумладан “Аралқум” ҳужжатли фильми (муаллиф С.Еременков, У.Абдурахманов, матни Черниченко, оператор Ш.Максудов) Мохачкалада ўтказилган 1988 йилги III Бутун россия танловида қатнашиб, **“Энг яхши ҳужжатли фильм”** диплом билан тақдирланди.

1990 йил киностудия тарихида дастлабки бадиий фильм “Гум-гум” (сценарий муаллифи М.Тўйчиев О.Абдурахманов, постановкачи режиссёр Ж.Давлетов, оператор В.Алламёров) Американинг Сан-Франциско шаҳридаги халқаро фестивалда қатнашди. Ушбу муваффақиятлар самараси ўлароқ Қорақалпоғистонда ўз олдига киностудия очишга имконият яратди. Шундай қилиб қорақалпоқ киносанъатини янада ривожлантириш мақсадида 1990 йили Ўзбекистон ҳужжатли ва имий-оммабоп фильмлар киностудияси Қорақалпоғистон филиали базасида “Қорақалпоқфильм” киностудияси ташкил қилинди.

Бу эса қорақалпоқ киноижодкорларининг ўзларини ҳар хил жанрларда синаб кўришига имконият яратди. Қорақалпоқ кинематографиясида ўз ўрнига ўз услубуга эга бир нечта бадиий, ҳужжатли фильмларнинг сценарий автори ва кинорежиссёр Төренияз Калимбетовнинг кинематография учун қўшган ҳиссаси ўз олдига мавзу бўлгандай аҳамиятга эга.

Қалимбетов Төренияз Джумабаевич 1954 йил 19 январда Қорақалпоғистон Республикаси Чимбой туманида, ишчи оиласида туғилган, Ўрта мактабни тўгатгандан сўнг қўрилиш соҳасида оддий ишчи бўлиб ишлаган. 1976 йили А.Н.Островский номидаги Тошкент театр ва рассомлик институти (ҳозирги Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти)нинг режиссёрлик факультетини тамомлаган. Ўқишни тамомлагандан сўнг Нукус телерадио марказида телеоператор ёрдамчиси ва 1976-1977 йиллар оралиғида ҳарбий хизматни ўтаган. Режиссёрнинг санаъатга қизиқиши “Қазақфильм” киностудиясида режиссёр ёрдамчиси бўлиб ишлаб юрган пайитларидан бошланган.

1978-1981 йилларда "Ўзкинохроника" ҳужжатли фильмлар студиясининг Қорақалпоғистон филиали режиссёри бўлиб ишлаган пайтларида Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ шоири, Ўзбекистон кахрамони Ибрайым Юсуповнинг ижодига бағишланган “Шайыр монологи” фильмига режиссёрлиқ қилади.

1993-1996-йилларда “Қорақалпоқфильм” киностудияси директори бўлиб фаолият юритган. Уша вақтларда ҳам “Ғәрезсизлик салтанаты”, “Төлепберген Қайыпбергенов” фильмларининг режиссёри бўлди.

1995 йили А.Султанов билан биргаликда сценарий ёзган ва режиссёрлик қилган қишлоқ муаллими Алланиёз Өтениязов ҳақидаги “Мехир” фильми Ўзбекистон киночилар уюшмасининг Нави Ғаниев номидаги **“Грифон”** мукофотини олишга сазовор бўлди.

Қорақалпоқ миллий кинематографиясини ривожлантиришдаги самарали мехнати учун Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг “Ҳурмат ёрлиғи” ни олишга мувафоқ бўлди.

Режиссёр ижодкорликдан ташқари ҳар турли бошлиқ лавозимларида фаолиятини давом эттирди. Кинонинг ривожланиши учун тинимсиз изланган ўз касбининг фидойиси Т.Қалимбетов 1996-2002 йилларда "Қорақалпоққино" давлат акциядорлик компанияси раисининг биринчи ўринбосари кейин "Қорақалпоққино" Давлат акциядорлик компанияси директори ва 2004 йилдан бошлаб "Қорақалпоққино" агентлиги директори бўлиб фаолият юритган. 2014 йил нафақага чиққан.

Т.Қалимбетов 2019 йил 29 июль куни бу ёруқ оламни тарк этди.

Режиссёрнинг самарали мехнатини, унинг инсонийлик фазилатини у билан бир нечта фильмларда бирга ишлаган ҳозирги кунда “Қорақалпоқфильм” киностудияси директори Б.Мадияров қуйидагича эслайди. Төренияз Қалимбетов деганда мен ўз фикрига ва ўз услубуга эга, ишининг устаси, мехнатсевар, ҳамма билан бирдай муомилада буладиган самимий ва дилкаш, ҳар қандай фильмни тасвирга олиш жараёнини бошламасдан олдин обдон ўйлаб оладиган, ажойиб инсон эди. Ҳамкасблар айниқса ёшлар у кишини яхши кўрарди. Режиссёрнинг қилган ишлари, тасвирга олган фильмлари келажакда ёш киноижодкорлар учун намуна бўладиган ва кинематография сохасида катта мактаб ёратиб кетган инсон эканлигини айтиб хотирлайди. Бугун бу режиссёр ёнимизда бўлмаса ҳам у ёратиб кетган фильмлар, хотиралар биз билан бирга. Илохим жойи жаннатдан бўлсин деймиз.[1]

Режиссёрнинг ижоди давомида эришган ютуқлари унинг самарали меҳнатидан дарак береади.

2000 йилда "Шуҳрат" медали, 2006 йилда "Бердақ" номидаги давлат мукофоти, шу йили “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими” фахрий унвонлари билан тақдирланган.

Т.Қалимбетов режиссёр сифатида 30 га яқин бадиий ва ҳужжатли фильмлар яратган ва турли кинофестивалларда муносиб ўринларни қўлга киритган.

Т.Қалимбетов қўйидаги ҳужжатли фильмларга режиссёрлик қилган.

“Жыраў”, “Боян тамыр” (*режиссёри Т.Қалимбетов 1997 й);* “Көкпар”, “Арал море надежда”, “Зийўар” (Ажиниёз) (*сценарий автори ва режиссёр Т.Қалимбетов 1998 й);* “Атбеги” *(режиссёри Т.Қалимбетов 2000 й);* “Отаў” ҳужжатли фильм, “Танка” (бадиий фильм) *(режиссёри Т.Қалимбетов 2002) ;* “Қудық” *(сценарий автори ва режиссёр Т.Қалимбетов 2003 й) ;* “Шапшы”,“Алтын мийрас”, “Дүнья қарас”, “Қошқарпаз” (*сценарий автори ва режиссёр Т.Қалимбетов 2006)*; “Екеўғанасы” (*сценарий автори ва режиссёр Т.Қалимбетов 2007 й);* “Қызылқум ғәзийнеси”, “Наўқыран әўлад” *(режиссёри Т.Қалимбетов);* “Тандыр”, “Бир өмирлик қупыя” *(сценарий автори ва режиссёр Т.Қалимбетов 2008)*; “Қарақалпақстан”, “Ағартыў қарлығашы”, “Назархан”, “Қаўын сейили” ( *сценарий автори ва режиссёр Т.Қалимбетов 2009 й );* “Дәрья теңизге қуймағы дәркар” (*режиссёр Т.Қалимбетов);* “Кепши”, “Үш әсирдиң гүўасы” (*сценарий автори ва режиссёр Т.Қалимбетов 2010 й);* “Арал жасаўы тийис”, “Қарақалпақстан ғәрезсизлик жылларында” (*режиссёри Т.Қалимбетов);* “Биринши лётчик”, “Булақ көз ашты” (*сценарий автори ва режиссёр Т.Қалимбетов 2011й);* “Нафосат бостаним мании”, Берекетли шаңарақ –

[1] “Қорақалпоқфильм” киностудияси директори Б.Мадияров билан сухбат. 2023 йил 24 февраль.

жәмийет көрки”, “Қарақалпақстан кеше ҳәм бүгин” (*режиссёри Т.Қалимбетов);* “Нур излеп”, “Қарақалпақстаным мениң” (*сценарий автори ва режиссёр Т.Қалимбетов 2012 й)*; “Өсиў жолында” (*режиссёри Т.Қалимбетов); “*Узақ өтмиштен мийрас” (*сценарий автори ва режиссёр Т.Қалимбетов 2013 й);* “Мехир”, “Қыссахан жолы” *(режиссёри Т.Қалимбетов);* “Реңли қамыслар” (*сценарий автори ва режиссёр Т.Қалимбетов 2014 й);* “Көркем-өнер ғәзийнеханасы”, “Тулпар” (*режиссёри Т.Қалимбетов 2015 й);* “Балықшы”, “Бир уядан ушқан қыралар”, “Мойнақлы мүсинши” (*режиссёри Т.Қалимбетов 2017 й);* “Мойнақ дослық үлкеси” (*режиссёри Т.Қалимбетов 2018 й).*

Режиссёрнинг фильмларни ишлашдаги энг ютуқли тарафи ва бошқа режиссёрлардан алохида ажралиб тўрадиган хислати бу кўпчилик фильмларни овозсиз (сўзсиз) яъни тасвирий-эмоционал имкониятларидан моҳирона фойдаланиб, мусиқа ва шовқинлар ёрдамида диктор текстисиз фильм яратиши бўлиб ҳисобланади.

Овозсиз кино кинематографиянинг дастлабки ривожланиш давридаги фильмларга хос . Овозсиз кино даврида фильмнинг хусусиятлари, ўзига хос эстетик жиҳатлари белгиланди. Бадиий фильмлар мазмуни ва вокеаларнинг ривожланиб бориш ҳолати сўзсиз фақат тасвир ёрдамида очиб бериларди. Дастлабки ривожланиш давридаги ўзига хослиги унинг актёр ижроси билан боғлик, ифода воситалари бўлиб, кадр тагига воқеани тушинтириб берувчи ёзувлар ёзиб борилган.

Дастлабки вақтларда бадиий фильмларни тасвирга олишда Ўзбекистонлик тажрибали мутахассисларидан ёрдам сўралган бўлса, 2002 йил **“Танка”** (сценарий муаллифи Муратбай Низанов, режиссёр Төренияз Қалимбетов, оператор Даврон Абдуллаев) фильми “Ўзбекфильм” киностудиясининг техник ёрдамида, қорақалпоқ ижодкорлари яратган дастлабки тўлиқ метражли бадиий фильм бўлди.

Фильм фақат қорақалпоқ тилида эмас, ўзбек тилида ҳам дубльяж қилиниши фақат қорақалпоқ халқининг эмас, балки ўзбек халқининг ҳам такрор-такрор томоша қилишга арзийдиган кино асарига айланган.

Фильмда соддадил қаҳрамонимизнинг қиз фарзанди олийгохни битириш арафасида дипломни ҳимоя қилиш учун унга танка керак бўлади. Танкани топиш вазифасини қизнинг отаси ўз зиммасига олади ва шундан мазкур фильмнинг энг қизиқ лаҳзалари бошланади. Филм муаллифининг айтишича фильм постановкаси ўзбек тилида ёзилиб фильмнинг бош қаҳрамонига Эргаш Каримов танланган экан. Муаллиф ушбу фильм бўйича Эргаш Каримов билан кўришганда фильм сценарийсини ўқиб кўрган актёр:- бу сценарийни ўқиб мазза қилдим. Менга бўлган хурматинг учун катта рахмат лекин қапа бўлманг, мен бу ролни

ўйнай олмайман. Одамлардан уяламан. “Эргаш ака жа мақтанчоқ бўли кетибди” деб айтиши мумкин деб сценарийни рад қилибди. Оқирида бу ролга Қорақалпоқнинг биринчи кино актёри Қуатбай Абдреймов даллолчи яъни қатерешиге комик актёр Шамурат Утемуратов танланади.[1]

Фильм 27 кунда тўлиғи билан суратга олиниб бўлинади. Фильмнинг энг ютуғли тарафи саънат фидойиларига катта ҳурмат кўрсатилган. Яна ушбу фильмда Қарақалпоқ халқининг оқ кунгиллиги кунглида кири йўқ ҳаммага яхшиликни раво кўрадиган, катталарга ҳурмат кўрсатиш сахналари урин олган. Филмда режиссёр кўзда тутган мақсадига эриша олган деб ўйлайман.

Фильмда яна ота-она фарзандининг келажаги учун ҳамма нарсага тайёр эканлиги яна бир бор тасвирланган. Инсон ушбу фильмни такрор-такрор кўрса ҳам ҳеш зерикмаслиги бу фильмнинг энг асосий йутуғи бўлиб ҳисобланади.

2018 йили тасвирга олинган **“Пойтахт шахрим Нукусим”** номли хужжатли фильми Ўзбекистон Республикаси Тошкент шахрида ўтказилган “Энг улуғ энг азиз” ҳужжатли фильмлар кино фестивалида энг катта соврин фестивалнинг **“ГРАН-ПРИ”** совринини олишга мувофоқ бўлди. Ушбу фильмда ҳам Т.Қалимбетовнинг режиссёрлик маҳорати кўзга ташланади.

Қорақалпоғистон ўзининг маданияти, мафтункор табиати, тарихи ва одамлари билан қанчалик жозибадор бўлмасин, республиканинг улкан ҳудуди, бир-биридан юзлаб чақирим олисда жойлашган диққатга сазовор масканларидан бири бўлган Муйноқ тумани ҳақида режиссёр 2018 йили “Мойнақ дослық үлкеси” фильмини тасвирга олди. Фильмда асосан Орол денгизи тағдири билан боғлиқ бўлган хар хил миллат вакилларининг тотув турмуши тарзи сўз этилади.

Таниқли кино режиссёр Тўрениёз Қалимбетовнинг ижодий фаолиятига назар ташлар эканбиз, ҳар қанақа фильмнинг савиясини яхшилашга хисса қўшадиган, ўткир нигоҳ билан танланган кино фактларни кўришимиз мумкин. Бу эса унинг режиссёрлик маҳорати ҳисобланади.

## АДАБИЁТЛАР РУЙХАТИ

1. Абулкосимова Х, Тешабоев Ж, Мирзамуҳамедова М. «Ўзбекистон киноси» (1985);
2. Низанов М. Кино қалай жаратылды. (2014)
3. «Қорақалпоқфильм» киностудияси архиви.

[1] Низанов М. Кино қалай жаратылды. (2014)